Ибрагимов Шохрух Уринбоевич
Корпоратив ҳуқуқ 2-курс магистранти

ХУСУСИЙ КОРХОНАНИ БОШҚАРИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасига мувофиқ, бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Хусусий мулк ҳам бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Бироқ, мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт.

Шунга кўра хусусий корхонани бошқариш нафақат унинг ташкилий-ҳуқуқий шаклига кўра, балки корхонани бошқариш таомилларига кўра ҳам фуқаролик ҳуқуқининг бошқа субъектлари фаолиятидан ажралиб туради.

Хусусий корхона Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий корхоналар тўғрисида”ги қонунининг3-моддасига асосан, мулкдор ягона жисмоний шахс томонидан тузилган ва бошқариладиган тижоратчи ташкилотдир. Унинг ўзига хос хусусияти ягона таъсисчи–мулкдор томонидан ташкил этилиши, молиялаштирилиши ва раҳбар сифатида якка ўзи бошқаришидир[1].

Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий корхона тўғрисида”ги Қонуннинг 8-моддасида хусусий корхона мулкдор томонидан тузилиши, унга тегишли мол-мулк бериши ва унинг уставини тасдиқлаши белгиланган. Муассис корхонанинг устав фондини шакллантириш мақсадида топширган мол-мулк унинг балансига ўтгандан сўнг, хусусий мулк асосида хусусий корхонага тегишли бўлади. Хусусий корхона бирор ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширган ҳолда товарларни етказиб бериш, ишларни бажариш ва хизмат кўрсатиш жараёнида ушбу мол-мулкка эгалик қилади,

[1] Юлдашев Ж.И. Акциядорлик жамиятлари – фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида. Юрид. фан. номз. дисс.. –Тошкент, 2008. 51-б.

ундан фойдаланади ва тасарруф этади. Бундан ташқари корхона фаолиятини амалга ошириш жараёнида вужудга келган ёки сотиб олган мол-мулклар ҳам мулк ҳуқуқи асосида унга тегишли бўлади.

Бироқ, айрим ҳуқуқшунослар муассис юридик шахс устав фондига киритган ўз улушига нисбатан талаб қилиш ҳуқуқини олишини қайд этади[2]. Унга кўра хусусий корхона тугатилаётган пайтда унинг муассиси устав фондига қўйилган капитални қайтариб олиш ҳуқуқини қўлга киритади.

Хусусий корхонанинг устав фонди бўлинмасдир ва уни мулкдорнинг ўзи белгилайди. Пул, қимматли қоғозлар, пул билан баҳоланадиган бошқа мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқлар ёхуд бошқа шахсга бериладиган ўзга ҳуқуқлар хусусий корхонанинг устав фондига қўшиладиган ҳисса бўлиши мумкин. Бошқа шахсга бериладиган ўзга ҳуқуқларга фирма номи, товар, хизмат кўрсатиш белгиси, ишчанлик обрўси, муаллифлик ҳуқуқи ва бошқа интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқлар киради. Мулкдор хусусий корхонанинг устав фондига ўзи киритадиган мол-мулкни мустақил баҳолайди. Агар хусусий корхонанинг устав фонди шакллантирилаётганда мулкдор ўз оила аъзоларининг умумий (улушли ёки биргаликдаги) мулки ҳисобланган мол-мулкни корхонага бераётган бўлса, ушбу мол-мулкнинг барча мулкдорларидан нотариал тасдиқланган розилик олиш талаб этилади.

Хусусий корхона устав фондининг энг кам миқдори қонун чиқарувчи томонидан белгиланмаган ва буни ҳал қилишни мулкдорга қолдиради. Бундан кўзланган мақсад тадбиркорликни ривожлантириш учун хусусий корхонани тузишда ҳар қандай миқдордаги мол-мулк билан бошлаш имконияти билан боғлиқ. Академик Ҳ.Р.Рахмонқулов юридик шахс ижарага мулк олиш орқали ҳам ўз мустақил мол-мулки бўлмасдан ташкил этилиши мумкинлигини таъкидлаб ўтади[3]. Бундан хусусий корхона ҳам мустақил мол-мулксиз, ижара асосида фаолиятини бошлаши мумкин деган хулоса

---

[2] Гражданское право. Отв. ред. Е.А.Суханов -М.: Бек, 1998. –С. 518.

[3] Рахмонкулов Х.Р. О понятии юридического лица. // Хўжалик ва ҳуқуқ журнали, 2003 йил 6-сони, 62-65-б.

қилмаслигимиз керак. Чунки “Хусусий корхона тўғрисида”ги Қонуннинг 10-моддасига кўра, хусусий корхона уставида корхона устав фондининг миқдори кўрсатилиши керак. Бирор фирма тузиб, уни самарали юритиш учун камида яхшигина сармоя бўлишлиги талаб этилади. Хусусий корхонадан бошқа юридик шахсларда, хусусан кичик тадбиркорлик субъекти оилавий корхонанинг устав фонди энг кам иш ҳақининг ўн баравари, масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар устав фондининг миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг қирқ баравари, ширкатларда энг кам ойлик иш ҳақининг эллик баравари ва йирик тадбиркорлик субъекти ҳисобланмиш акциядорлик жамиятлари учун тўрт юз минг АҚШ долларига тенг бўлган суммадан кам бўлмаслиги белгиланган.

Бизнингча, хусусий корхоналарда ҳам устав фондининг энг кам миқдорини белгилаш лозим. Хусусий корхонанинг тижоратчи ташкилот эканлигини назарда тутсак, унинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишида, шуртнома мажбуриятларини бажаришида устав фонди муҳим аҳамиятга эга эканлигидан келиб чиқиб, устав фондини ташкил этишга нисбатан талаб қўйилиши мантиқий саналади.

Хусусий корхонанинг устав фондини кўпайтириш ва камайтириш мулкдорнинг қарорига кўра хусусий корхонанинг уставига ўзгартишлар киритиш йўли билан амалга оширилади. Уставга киритилган ўзгартириш белгиланган божни тўлаб, давлат рўйхатидан ўтказилгандан бошлаб, учинчи шахслар учун кучга эга бўлади.

“Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги, Қонуннинг 15-моддасида, тадбиркорлик субъектларининг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишига асос ва восита бўлган мол-мулк, шу жумладан мулкий ҳуқуқлар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда

ҳуқуқларнинг белгиланиши, ўзгартирилиши ва бекор бўлиши билан боғлиқ олди-сотди, гаров, ижара ва бошқа битимлар объекти бўлиши мумкин[4].

Худди шу каби хусусий корхона ҳам тадбиркорлик фаолиятида маҳсулот ишлаб чиқариш учун керакли хом-ашёни сотиб олиши ва ўзи ишлаб чиқарган товарни реализация қилиши ёки турли усулларда ўз эҳтиёжи учун моддий ва номоддий мулкларни балансига киритиши ёки балансидан чиқариши мумкин. Иккинчи тараф билан кредит, қарз муносабатларида, учинчи шахслар иштирокидаги муносабатларда ўзининг кўчар-кўчмас мулкини ва бошқа ҳуқуқларини гаровга қўйиши ёки аксинча, гаровга олиши мумкин. Ижара муносабатларида хусусий корхона ҳақ эвазига мол-мулкини вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланиш учун ижарага олувчиларга бериши мумкин ёки ўз фаолияти учун керак бўладиган техника ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларини ижарага олади. Шунингдек, Фуқаролик кодексида назарда тутилган олди-сотди, маҳсулот етказиб бериш, контрактация, айирбошлаш, ҳадя, рента, пудрат, қарз ва кредит каби шартномалар тузиш орқали тадбиркорлик фаолиятини юритади.

“Хусусий корхона тўғрисида”ги Қонуннинг 14-моддасида, мулкдор корхонани раҳбар сифатида якка бошқаради, корхона номидан ишончномасиз иш кўради, унинг манфаатларини ифодалайди, хусусий корхонанинг пул маблағларини ҳамда бошқа мол-мулкини тасарруф этади, шартномалар, шу жумладан меҳнат шартномалари тузади, ишончномалар беради, банкларда ҳисобварақлар очади, штатларни тасдиқлайди, корхонанинг барча ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради, дейилган. Мулкдорнинг корхона раҳбарини ёллай олмаслик қоидаси хусусий корхонанинг бошқа ташкилий-ҳуқуқий шакллардан ажратиб туради.

Хусусий корхона мулкдори унинг уставига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш, хусусий корхонани қайта ташкил этиш ва тугатиш

[4] Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида” // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил 18-сон.

тўғрисида қарор қабул қилиш, хусусий корхонанинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин қолган фойдасидан ўз ихтиёрига кўра фойдаланиш, хусусий корхонага тегишли мол-мулкни бошқа шахсга бериш, ижарага бериш, гаровга қўйиш, бошқа юридик шахсларнинг устав фондига ҳисса сифатида киритиш ёки ушбу мол-мулкни бошқача усулда тасарруф этиш ҳуқуқларига эга бўлгани ҳолда, устав фондини шакллантириши ва ўзига қарашли корхонани якка бошқариши шартлиги унинг мажбурияти сифатида юзага чиқади.

Хусусий корхона мулкдори ўзи вақтинчалик бўлмаган тақдирда, яъни соғлиғи ҳолатига кўра таътил ёки дам олишдалиги, чет элга кетганлиги ва бошқа ҳолатларда шу муддатда раҳбарлик вазифасини бажариб туришни бошқа жисмоний шахс зиммасига юклаш тўғрисида ёзма қарор қабул қилади. Бундан кўриниб турибдики, хусусий корхонани бошқариш бошқа шахсга вақтинча ўтказилиши мумкин. Бироқ, Қонунда “вақтинча” сўзига аниқлик киритилмаганлиги унинг аниқ муддатини белгилашда турлича ёндашувни келтириб чиқаради. Бу эса корхонани вақтинча бошқараётган шахснинг корхона мол-мулкини тасарруф этишга оид ҳуқуқини чеклаши ҳам мумкин.

Шунингдек, қонуннинг 17-моддасига биноан, вафот этганлиги, муомалага лаёқатсизлиги, муомала лаёқати чекланганлиги ёки бедарак йўқолган деб топилганлиги оқибатида мулкдорнинг хусусий корхона раҳбари вазифасини бажариши мумкин бўлмай қолган тақдирда хусусий корхонани бошқариш фуқаролик қонун ҳужжатларига ва хусусий корхонанинг уставига мувофиқ амалга оширилади. Фуқаролик кодексида фуқарони вафот этган деб эълон қилиш факти белгиланиши тўғрисидаги қоида мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда, мазкур моддага ушбу фактни киритиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.